

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАҒРИЕНГЛИК АМАЛИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мусаев О. Р. -

ЎзМУ доценти, ф.ф.

Бугун дунёда кечётган глобаллашув жараёнлари маданиятлар ранг-барамглига, этномаданий плюрализм, бағриенглик омилига эътиборни кучайтироқда. Гап энди шунчаки ижтимоий-маданий ривожланиш устида эмас, балки ранг-барамг маданиятлар, этномаданий плюрализм шароитида инсоният тараққиётини таъминлаш устида кетмоқда. Шунинг учун миллый доираларда “глобаллашувнинг маданий динамикаси”, аслида глобаллашувга маданий ранг-барамглик, этномаданий плюрализм тусини бериш муаммолари хақида турли фикрлар билдирилмоқда.

Ўзбекистоннинг ҳозирги худудида кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари кенг миқёсда бир-бирини бойитган, этномаданий плюрализм юзага келган. Ҳудудда кўчманчи ҳалқлар ўтрок ҳалқлар билан, эронлик қабилалар турк қабилалар билан, мусулмонлар насронийлар ва яхудийлар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар. Сўнгги икки аср давомида ҳам ўзларини “маданиятли” ва “маърифатли” ҳисоблаб келган давлатлар оммавий қирғинлар ва диний таъқиблар билан ўзларига дод тушурган бир пайтда, Ўзбекистон замини ҳалқлар ва маданиятлар тинч бирлашган жойгина бўлиб қолмай, балки қувғин қилинган ҳалқларга бошпана берди, уларнинг этномаданиятини ривожлантиришга ўз хиссасини кўшди.

Дарҳақиқат, глобаллашув жараёнларида диний бағриенглик муаммоси жаҳон ҳамжамияти давлатлари учун ғоят долзарб масалалардан бири ҳисобланади. 1995 йил 16 ноябрда БМТнинг фан, таълим ва маданият бўйича ихтисослашган ташкилоти ЮНЕСКО томонидан Бағриенглик принциплари декларациясининг қабул қилиниши бунинг ёрқин далилидир. Ушбу декларацияда эътиқод ва виждан эркинлигига ҳам эътибор қаратилган. Унинг 1-моддасида, бағриенглик ўзимиз яшаб турган дунё маданиятининг бой ва хилма-хиллиги, инсон индивидуаллигининг намоён бўлиш шакллари ва усуllibарини хурмат

қилиш, уни қабул қилиш ва тўғри тушуниш ҳамда виждан ва эътиқод эркинлиги сифатида изоҳланган. Бош қомусимизда мамлакатимизда яшаётган барча миллат вакиллари миллати, тили, эътиқоди, ижтимоий ҳолатидан қатъий назар Ўзбекистон ҳалқини ташкил қилиши ва уларнинг ҳукуқ ва манфаатлари, шунингдек эътиқод эркинлиги мустаҳкамланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳукуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар”[1]. Асосий қонунимизда ушбу ҳукукнинг акс эттирилиши мамлакатимизда инсонларнинг виждан ва эътиқод эркинлиги таъминланишининг асоси бўлиб хизмат килмоқда.

“Бағриенглик тамойиллари декларацияси”да бағриенглик тушунчасига қўйидагича таърифлар берилган ва унинг моҳияти ёритилган: Бағриенглик – бизнинг дунёдаги турли маданиятларнинг ўзини ифодалаш ва алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма хил усуllibарини хурмат қилиш, қабул қилиш ҳамда тўғри тушунишни англатади. Бағриенглик билим, самимият, очиқ мулоқот, ҳур фикр, виждан ва эътиқодни вужудга келтиради. Бағриенглик турли туманлиқдаги бирлиқдадир. У бурчгина эмас, балки, сиёсий ва ҳукуқий эҳтиёж ҳамdir. Бағриенглик – тинчликка эришишни таъминловчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчи кучdir.

Бағриенглик ён босиш, андиша ёки хушомад эмас, у инсоннинг универсал ҳукуклари ва эркинликларини тан олишдан иборат фаол муносабатdir. Ҳар қандай вазиятда ҳам бағриенглик юқоридаги қадриятларга тажовуз қилмайди. Бағриенгликни барча шахслар, гурухлар ва давлатлар намоён қилиши лозим.

Бағрикенглик – инсон хуқуқларини қарор топтириш, плюрализм (шу жумладан, этномаданий плюрализм), демократия ва хуқуқнинг тантанасига кўмаклашиш мажбурияти. Бағрикенглик ақидабозлиқдан, ҳақиқатни мутлаклаштиришдан воз кечишни англатувчи ва инсон хуқуқлари соҳасидаги халқаро хуқуқий ҳужжатларда ўрнатилган қоидаларни тасдиқловчи тушунчадир.

Бағрикенгликни намоён қилиш инсон хуқуқларига бефарқ ёки ижтимоий адолатсизликка сабр-тоқатли муносабатда бўлиш, иймон-эътиқодидан воз кечиб бошқаларнинг эътиқодига ён босиш эмас. У шуни англатадики, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркиндир ва ҳар ким бу хуқуққа бошқалар ҳам эга эканини тан олмоғи лозим. У шуни англатадики, одамлар ташқи кўриниши, киёфаси, ўзини тутиши, нутки, хулки ва қадриятлари жиҳатидан фарқланади, улар дунёда яшашга ва ўзларининг ана шу индивидуаллигини сақлаб қолишга ҳақлидирлар. У яна шуни англатадики, бир кишининг қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас[2].

Диний бағрикенгликнинг миллатлараро муносабатларга таъсири қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, дин ва диний қадриятлар этносиёсий парадигмага қарши чиқмайди, балки ривожланишини таъминлашга ўз восита ва усуллари билан ёрдам беради. Этносиёсий парадигманинг стратегик мақсади жамиятнинг барча аъзолари, шу жумладан, динга эътиқод килувчилар, конфессиялар, диний ташкилот аъзоларига ҳам дахлдордир.

Иккинчидан, Ўзбекистон дунёвий демократик, хуқуқий давлат, унда дин давлатдан ажратилган, дин давлат ишларига аралашмаганидек, давлат ҳам диний идоралар, ташкилотлар ички ишларига аралашмайди. Бироқ бу дин ва диний идоралар, эътиқод килувчилар истаган ишини килиши, давлат ва жамият ҳаётига индиферент муносабатда бўлиши мумкин, деган фикрга олиб келмаслиги зарур. Диндорлар қандай ижтимоий-ахлоқий ва сиёсий-хуқуқий қадриятларга таянишига давлат, жамият бефарқ қарай олмайди.

Учинчидан, халқлар, миллатлар инок яшаганида, стратегик мақсадни ўзининг ҳаётий

мақсади сифатида қабул қилганида ижтимоий тараққиётни таъминлаш мумкин.

Тўртинчидан, полиэтник давлатларда этномаданий плюрализм ва политеизм табиий хол ҳисобланади. Этномаданий плюрализм билан политеизмни муросада ушлаб туриш, уларни ижтимоий тараққиёт манфаатларига хизмат қилишини таъминлаш этносиёсий парадигма зиммасидаги мураккаб вазифалардан биридир.

Бешинчидан, диний бағрикенглик деструктив гурухларга, фундаментализм ва терроризмга хушомад, ён босиш эмас, у мудом хатти-харакатлар ва гоявий қарашларни ижобий ёки салбий характерга эга эканини ажрата оладиган воқеликдир. Инсоннинг “ижтимоий мавжудот” (Аристотель) эканлиги унинг хатти-харакатлари ва гоявий қарашларига маълум бир талаблар, хатто чекланишлар қўяди. Бу ижтимоий талаблар ва чекланишлар хуқуқий нормалар ҳамда маънавий-ахлоқий императивлар орқали белгиланади.

Олтинчидан, миллатлараро муносабатларда динга, диний қадриятларга таяниш виждан эркинлиги орқали таъминланади. Қайси динга эътиқод қилиш, қандай диний қадриятларни эъзозлаш, тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлаш шахснинг конституцион хуқуқидир. Аммо дин ва диний ташкилотларнинг миллатлараро муносабатларга бевосита аралашиши, уларни у ёки бу шаклда уюштириш, бир миллатни иккинчисига қарши қўйиши мумкин эмас. Миллий-этник дин ёки диний ташкилот бўлиши давлатнинг полиэтник ва политеистик хусусиятига зиддир. Динга эътиқод миллат, этник белги танламайди, у ҳар бир инсоннинг ихтиёридаги ишдир.

Еттинчидан, миллатлараро муносабатларда дин ва диний ташкилотлар тўплаган тарихий-маданий, ижтимоий-ахлоқий тажрибалардан фойдаланиш ҳар икки томон, айниқса, ижтимоий тараққиёт учун конструктив аҳамиятга эга. Лекин этносиёсий парадигма динда консерватив ва доктриналар ҳам борлигини, улардан деструктив кучлар фойдаланишга интилаётганини унутиши мумкин эмас. Диний фундаментализм ва терроризм кенг тарқалаётгани боис, давлатлараро, миллатлараро муносабатларда

бир-бирига шубҳа билан қараш, тўла тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, ишонмаслик реал воқеликка айланган.

Ўзбекистонда политеизм карор топган, ахолининг 90 фоиздан ортиги ислом динига, қолгандари бошқа динларга эътиқод қиласди. “Бизнинг мамлакатимиз азал-азалдан қадимий динлар ривож топган макон сифатида дунё цивилизацияси тарихида алоҳида мавқега эга. Бу муборак заминда бизнинг аждодларимиз бошқа дин вакилларига доимо хурмат билан қараганлар, мана шу юрт озодлиги йўлида улар билан бирга кураш олиб боргани, елқадош бўлиб меҳнат қилганини ҳеч ким инкор эта олмайди”[3]. Ҳақиқатан ҳам, минтақамида ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва турли ҳалқларниң тинч-тотув яшашини таъминлаган марказ бўлиб келган. Шунинг учун сабр-тоқат, бағрикенглик хаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш кафолатига айланган.

Жаҳон динларини демократияни кўллаб-қувватлайдиган, унга зид ёки бетараф бўлган категорияларга ажратиш мумкин эмас. Масалан, христианлик подшохлик хукукларини ҳам, республикачиларнинг тенгликка бўлган интилишларини ҳам кўллаб-қувватлаган. Баъзи гурухлар эса авторитар тузумларни кўллаб-қувватлаган бўлсалар, бошқалари демократияни ва инсон хукукларини ҳимоя қилганлар. Демак, дин мураккаб ижтимоий воқелик сифатида ўзида ранг-баранг, гоҳо тараққиётга зид оқимларга эга бўлиши мумкин. Диндаги позитив, тараққиётга, инсон маънавиятига хизмат қилувчи жиҳатлардан фойдаланиш, диний бағрикенгликни шакллантириш ўта долзарб вазифалардан биридир.

Диний бағрикенглик этник низолар, фукаролар уруши ва мутаассиблардан, аччик тарихий тажрибадан келиб чиқсан ғоядир. Диний бағрикенглик ўз эътиқоди ва динидан воз кечиши керак, деган маънони билдирамайди, балки, у инсонларнинг қадр-қимматини, виждан эркинлиги ва мустақил фикр юритишини хурмат қилишни англатади.

Ўзбекистон худудида диний келишмовчиликлар асосида бирор марта ҳам низолар келиб чиқсанни қайд этилмаган. Бу борада Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов шундай дейди: “Мен фаҳр билан айтишим мумкини, ҳалқимизнинг бутун

тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, одамларни миллати ва диний мансублигига қараб айириш ҳоллари бўлмаган ва бунга биз ҳеч қачон йўл қўймаймиз”[4].

Республикамизда истиқомат қилувчи турли дин вакиллари ўргасида инсон хукуклари ва эркинликлари устуворлигига асосланган тенг хукуқлиликнинг мавжудлиги ва конфессиялараро ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилганлиги мамлакатимизда ижтимоий барқарорликка замин яратмоқда. Давлатимизнинг динга “инсон эътиқодсиз яшай олмайди”, деган тамойил асосида муносабатда бўлиши ҳам конфессиялараро муносабатларни соғломлаштиришга хизмат қиласди. Конституциямизнинг 31-моддасида: “Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки қайси динга эътиқод қиласлик хукукига эга. Диний қарапшларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”[5], деб белгилаб қўйилган. Унда дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодалайдиган асосий тамойиллари ўз ифодасини топган. Унга мувофиқ:

- биринчидан, давлат асосий қонуни орқали динга қарши сиёsat юргизмасликни ўз зиммасига олади;

- иккинчидан, эътиқод қилиш ёки қиласлик ҳар бир инсоннинг ажралмас хукуки эканлиги эътироф этилади;

- учинчидан, юқоридаги икки асосий тамойиллардан келиб чиқсан ҳолда ва жамиятда эътиқодий муносабатларни тартибга солиш ва уни таъминлаш учун давлат диний қарапшларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўймасликни кафолатлади.

Республикамизда 16 диний конфессия ва 2200 дан ортиқ диний ташкилот фаолият олиб боради. Мазкур ташкилотлардан 1875 таси ислом динига, 33 таси рус православ черковига, 24 таси Евангель, христиан-баптистлар Иттифоқига, 22 таси Евангель Пол христиан черковига, 4 таси Евангель-лютеран черковига, 11 таси еттинчи кун адвентислар черковига, 5 таси Рим-католик черковига, 1 таси Арман-апостол черковига, 7 таси Бахай-ишенч ўюшмасига, 2 таси Кришна жамиятига, 2 таси иеговларга, 8 таси иудея жамоасига, 60 таси протестантлар черковига, 1 таси Ўзбекистон Библия жамиятига, 1 таси Голос Божий

жамоасига ва яна 1 таси Будда ибодатхонасига тегишилидир[6].

Республикамиизда юкоридаги конституциявий тамойилларга амал қилинаётганини қўйидагиларда кўриш мумкин: 1990–2014 йиллар мобайнида дин соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 та фармони, Вазирлар Маҳкамасининг эса 54 та қарори қабул килинган.

Мустақиллик йилларида диний ташкилотларнинг сони ортиб борган. Агар 1990 йилда республикада 119 та диний ташкилот фаолият кўрсатган бўлса, 2015 йилга келиб, уларнинг сони 2200 тадан ошган.

Истиқлол йилларида диний ўқув юртлари тизими ҳам ривожланди. Масалан, мустақилликкача бор-йўғи 2 та исломий диний ўқув юрти ишлаган бўлса, бугун уларнинг сони 11 тага етди. Илк марта диний ўқув юртлари талабаларига ҳам стипендия жорий этилди. Истиқлол йилларида имомларнинг диний маълумот даражаси ҳам сезиларли оширилишига эришилди. 1997 йилда уларнинг бор-йўғи 4,2 фоизи олий ва ўрта маҳсус диний маълумотга эга бўлган бўлса, бугун бу кўрсаткич қарийб 100 фоизга етган.

1991 йил – 350, 1995 йил – 3008, 2000 йил – 3841, 2005 йил – 4 минг, 2010 йил – 4522, 2014 йилда эса 4602 зиёратчиларимиз ҳаж амалларини бажариб қайтганлар. Истиқлол йилларида юз мингдан ортиқ киши ҳаж ибодатини адо этган[7].

Бугунги кунда дунёning турли минтақаларида урушлар бўлмоқда. Бу зиддиятларнинг аксарияти миллий, диний ёки ирқий асосда келиб чикқан фуқаролик урушлари ҳисобланади. Улар аксарият холларда диний бағрикенглик тамойиллари бузилиши ҳамда миллатлараро муносабатлар назарияси ва амалиёти ўртасидаги номувофиқликнинг натижасидир.

Ўзбекистонда миллат ва элатлар вакилларининг диний қизиқишлиари хурмат қилинади. Шўролар даврида тортиб олинган ва бошқа мақсадларда фойдаланилган черков, храм, сифиниш уйлари, муқаддас масканлар эътиқод қилувчиларга қайтариб берилди. Ҳозир юртимизда 30 дан ортиқ проваслав храмлари фаолият кўрсатмоқда. Тошкентдаги

Александро-Невский, Свято-Владимирский, Свято-Успенский, Фарғонадаги Свято-Сергееvский, Олмалиқдаги Свято-Успенский ва бошқа храмлар миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш, бошқа миллат вакилларига хурмат ва эҳтиром гоясини сингдиришга хизмат қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Тошкент: “Ўзбекистон” 2014.
2. ЮНЕСКО халқаро меъёрий хужжатлари. Конвенциялар, битимлар, протоколлар, тавсияномалар, декларациялар. (Тўплам) “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”. – Тошкент: “Адолат”, 2004. – 91–92 б.
3. Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2001. – 222 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жорий архиви 2015 йил учун диний ташкилотларни рўйхатга олиш бўйича ҳисоботининг 12-бети.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги диний ишлар қўмитасининг жорий архиви. 1991 – 2015 йилларидағи ҳисоботи

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришда диний бағрикенгликнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: миллат, этнос, этномаданият, глобализашув, кўпмиллатлилик, миллатлараро муносабатлар, диний бағрикенглик, конфесия, политеизм.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена изучению особенностей религиозной толерантности в развитии межнациональных отношений в Узбекистане.

Ключевые слова: нация, этнос, глобализация, многонациональность, межнациональные отношения, толерантность, конфессия, политеизм.

RESUME

Given article is devoted to the study of the peculiarity of religious tolerance in the development of interethnic relations in Uzbekistan.

Key words: nation, ethnos, globalization, multinationality, interethnic attitude, tolerance, confession, polytheism.